# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 98 (9.290) 1999 йил 23 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январь, якшанба кунига тайинлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунида овоз бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов учун тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** — **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 19-моддаларига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайлови 1999 йил 5 декабрь, якшанба кунига белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови бўйича битта сайлов округига сайловчилар нормаси ўртача 49,9 минг сайловчи ҳисобидан белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар учун умумий бўлган сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ тузилиши белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** — **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

МУСТАҚИЛЛИК: 8 ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

*Саноат*

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Матбуот давлат қўмитасининг Тошкент рангли босма фабрикаси матбаачилари Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Янги, замонавий, серунум чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланган ушбу корхонада кунига 250-300 минг нусха қаттиқ, 1 миллион нусха юмшоқ муқовадаги китоб ва дарсликлар нашрдан чиқмоқда.

Фабрика маҳсулотлари китоб дўконларига, буюртмачи ташкилотларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Энг муҳими, сифатли рангли маҳсулотлардан фойдаланаётган фарзандларимизнинг қувончлари чексиз. Жамоа аҳли эса уларни маънавият оламига етаклаётганларидан хурсанд.

*Дилфуза ҒОФУРОВА.*

*Қурилиш*

## ЗАМОНАВИЙ СУПЕРМАРКЕТЛАР

Пойтахтимизнинг Афросиёб шоҳкўчасида 28 та замон талаблари даражасига жавоб берадиган супермаркетлар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Уларнинг кўпчилигида ушбу кунда қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етиб, пардозлаш юмушлари бошлаб юборилди.

Аҳолига барча қулайликлари билан хизмат кўрсатувчи ушбу супермаркетларнинг бир нечтасини Мустақиллик байрами кунларида ишга тушириш режалаштирилган. Бу бунёдкорларнинг байрамга муносиб туҳфаси бўлади.

*Дилноза ҒИЁСОВА.*

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 август куни Оқсарой қароргоҳида Саудия Арабистони Подшоҳлиги савдо вазири Усама Жаъфар Фақихни қабул қилди.

◆ Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган барча диний жамоалар вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга табрик телеграммаси йўллашди.

◆ Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Вьетнам миллий байрами — ушбу давлатнинг мустақиллик кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

◆ Мамлакатимизда шу йилнинг 20-24 октябрь кунларида буюк ватанпарвар, халқимизнинг миллий қаҳрамони, мўғул босқинига учраган мамлакатлар халқлари тарихида алоҳида ўрин тутган Жалолиддин Мангуберди хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтиришга қаратилган «Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция ўтказилиши мўлжалланмоқда.

◆ Мустақиллигимизнинг 8 йиллик байрами арафасида кўҳна ва навқирон Самарқандда «Шарқ тароналари» II халқаро мусиқа фестивали очилади. Шу кунларда вилоятда ушбу тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

◆ Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси мавзуси муҳокама этилди.

◆ Келажакда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини қишлоқ хўжалик тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш соҳасида масофадан ўқитиш марказига айланади. Амстердамда бўлиб ўтган «Қишлоқ хўжалиги олий таълимида етакчилик» халқаро конференциясида шундай қарор қабул қилинди.

### ЖАҲОНДА

◆ Россия Президенти Борис Ельциннинг Россия Федерацияси Конституциясининг «а» пунктига биноан чиқарган Фармонига кўра, яқинда Бош вазир вазифасини бажарувчи этиб тайинланган Владимир Путин Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси этиб тайинланди.

◆ Прайм-ТАСС агентлигининг хабарига кўра, Украина миллий банки бошқаруви Россия рублини мамлакатнинг валюта заҳираларидан чиқариб ташлайдиган бўлди. Бундан ташқари шу йилнинг 1 октябридан бошлаб Украина Миллий банки ҳисоб рақамларига Россия рублида хизмат кўрсатишни бутунлай тўхтатишга қарор қилди.

◆ Швейцария ҳукмрон доиралари Россиянинг илтимосига биноан олий давлат даражасидаги коррупцияни текшириш бошланганлиги муносабати билан қатор банк ҳисобларини тўхтатиб туришга қарор қилди.

◆ Волгоградда вабо эпидемияси тарқалиши олдини олиш учун тезкор чоралар кўрилмоқда. Волга дарёсининг ўнг қирғоғида вабосимон вибрионлар борлиги аниқланди.

◆ Ангола ҳукумати Жанубий Африка тараққиёти ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларига мурожаат қилиб, Унита исёнчиларига қарши курашишга ёрдам беришни сўради.

◆ Бир неча кун илгари Туркияда бўлиб ўтган зилзила бутун халқаро ҳамжамиятни ташвишга солди. Дунё мамлакатлари Туркия халқига ҳамдардлик билдириб, инсонпарварлик ёрдамлари жўнатмоқда.

◆ Нигерия ҳукумати мамлакат қуролли кучларини қарийб икки баробарга қисқартиришни режалаштирмоқда.

◆ Халқаро валюта жамғармаси билан Украина делегацияси ўртасида бўлиб ўтган музокаралар муваффақиятли якунланди. ХВЖ Украинага навбатдаги қарзни ажратиши кутилмоқда.

◆ Эроннинг Кармана шаҳридаги меҳмонхоналаридан бирида бир неча кун илгари тўрт нафар хорижлик ва маҳаллий йўл кўрсатувчи ўғирлаб кетилган эди. Ирна ахборот агентлиги маълумотига қараганда, гаровдагиларнинг бири полицияга телефон қилишга муваффақ бўлган. Айни пайтда уларни озод қилиш борасида текширув давом этмоқда.

*Истиқлол мевалари*



## МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЖМУАСИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 30 июндаги Тошкент шаҳридаги жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг кенг қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига жалб этиш мақсадида Ҳамза туманида «Янгиобод» маҳалла спорт соғломлаштириш клуби ташкил қилинди.***

— Бу спорт клуби ёшларни, шу жумладан, мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спортга бўлган иштиёқларини янада ошириш, уларни баркамол ва соғлом ўстириш, Ватан ҳимоясига доимо шай туриш, шунингдек, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан соғлом бўлишларини таъминлаш, ўғил ва қизларимизни меҳнатга, ўқишга бўлган лаёқатларини янада ошириш мақсадларига хизмат қилади, деган умиддамиз, — дейди туман ҳокими Раҳматилла Муҳаммадхўжаев йиғилганларни қутлар экан.

Тантанали маросимдан кейин спорт ўйинлари бошланди.

Клубнинг футбол майдонида Германияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада жаҳон чемпионлигини қўлга киритган каратэчиларнинг чиқиши бўлди. Уларга туман ҳокими совғалари топширилди. Сўнг энг ёш футболчилар майдонга тушишди. Сув ҳавзасида сузиш, майдончаларда арқон тортиш, баскетбол ва волейбол бўйича мусобақалар кечгача давом этди.

Спорт мажмуасининг очилиш тадбирида Ўзбекистон Республикаси спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Эркин Эрназаров, Рихситилла Акромов, Тошкент шаҳар спорт қўмитаси раиси Суҳбат Пўлатовлар иштирок этишди.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

*СУРАТЛАРДА: «Янгиобод» маҳалла спорт соғломлаштириш мажмуасининг очилишидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## БАЙРАМНИ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛЯПСИЗ?

***Шу саволга ҳамшаҳарларимиздан қуйидаги жавобни олдик.***

**Тоир АБДУАЗИМОВ, Чиғатой ҳудудий маҳалласи оқсоқоли:**

— Ватанимиз Мустақиллигининг саккиз йиллик шодиёналари нишонланадиган дамларга ҳам саноқли кунлар қолди. Шу кунни барча ватандошларимиз, хусусан бизнинг маҳалламиз аҳли ҳам муносиб кутиб олиш мақсадида бир талай ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳар қандай байрамда, ҳар қандай хурсандчиликда тоза-озода жойда ёру дўстлар билан бирга бўлишга нима етсин? Шу боисдан ҳам маҳалладошлар билан биргаликда энг аввало маҳалламиз тозалиги, орасталигини таъминлаш мақсадида эски сомон бозори ўрнидаги жарлик тупроқ билан тўлдирилиб, обод қилинди. Байрам арафасида шу ерда истиқомат қилувчи кўп болалик, кам таъминланган оилалар ҳамда қарияларга имкон даражасида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Мен ўзим эса айнан — Мустақиллик кунларида Мустақиллик майдонидаги Хотира хиёбонини зиёрат қилишни кўнглимга жо қилдим.

**Вилоят ТОЖИБОЕВА, шаҳримиз меҳмони, Наманган вилояти Норин туманидан:**

— Ҳар йили 1 сентябрда бутун республикамизда Мустақиллик байрами катта тантаналар билан нишонланади. Бу йилги байрам шодиёнасини, унинг сururини Тошкентда ўзгача шукуҳда ўтказиш ниятида шу ерда яшовчи опамникига меҳмон бўлиб келдим. Бугунда мен тошкентликлар чеҳрасидаги байрамона табассум, байрамона кайфиятни кўриб 16 февралда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юртдошларимиз иродасини бука олмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*Долзарб мавзу*

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

***Барча ҳамюртларимиз икки кун давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ишини катта қизиқиш билан кузатиб, сессияда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг маърузаси, қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини мушоҳада қилдилар.***

Албатта, ушбу сессиянинг мустақиллигимиз тантаналарининг саккиз йиллиги арафасида ҳамда бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловидан олдин ўтказилгани олий анжуманнинг ҳаётимиздан қанчалик муҳим ўрин тутганидан далолат беради.

Биз ҳам кўпчилик қатори сессиядаги Президентимизнинг ўтган вақтларда амалга оширилган ишларимиз сарҳисоби бўлмиш маърузаларини чуқур эътибор билан тингладик. Дарҳақиқат, маъмурий-буйруқбозлик, сиёсий мафкура пойдеворига қурилган, тилимиз ва маданиятимиз, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни оёқости қилиб келган зўравон тузум таг-туги билан барбод бўлди. Шу ўтган қисқа вақт ичида янгиланиш ва туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимиздан шунчалик мустаҳкам ўрин олдики, ҳозир қаерга борманг, ким билан гаплашманг, қай даражада бўлса-да мустақиллигимиз меваларидан баҳраманд бўлганини кўрасиз. Энг қувонарлиси, қонунчилик тизими тобора такомиллашиб, ҳаётимиздан халқ оғирини енгил қиладиган, тадбиркорликка кенг йўл очадиган мукаммал қонунлар кўпроқ ўрин олмоқда. Яқинда хусусий фирма очган бир тадбиркор билан суҳбатлашганимизда, вилоят ҳудудидан ер олиб парандачилик фермаси очиш истагида эканлиги, бироқ бундан икки йил олдин қанчалик уринмасин, қаерга бошини урмасин, кредит олиш жуда мушкул кечганини айтганди. Бугунги кунда эса чинакамига халқчил қонунлар юзага келиб ҳақиқий тадбиркор бўлсанг, бир қанча тузилмалардан бемалол кредит олиб, ўз ишини очишга кенг имкониятлар туғилганини зўр хурсандчилик билан қайд этди.

Навбатдаги сессияда яна бир нечта муҳим қонунлар қабул қилинганини ҳам эътироф этиш жоиз. Хусусан, «Гиёвандлик моддалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўйлаймизки, ушбу йилдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — бўлажак сайловлар жаҳон тажрибалари, эркин ва демократия тамойиллари асосида ўтишига ишонамиз.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*Тараддуд*

## МУШОИРА БОШЛАНДИ

***Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги муносабати билан ҳозир жойларда жуда кўп маданий-маърифий йўналишдаги тадбирлар, қизиқарли кечалар ўтказилмоқда. Хусусан, республикамизнинг барча вилоятларида таниқли ижодкорлар, ёзувчилар, шоирлар иштирокида қизиқарли давралар бўлиб ўтмоқда.***

Куни кеча шаҳримиздаги сўлим ва мафтункор гўша — Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Қувонч ўткинчи, мустақиллик абадий» мушоираси бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни таҳлил этиш, халқимизнинг кайфиятини кўтариш мақсадида ташкил этилган ушбу хайрли тадбирни очар экан, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова барча йиғилганларни кириб келаётган қутлуғ байрам билан қизғин табриклади. Даврани бошқарган шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммад Юсуф ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, ўзбекнинг ҳар учтасидан бири шоир, чўпон ҳам, деҳқон ҳам ҳиргойи қилади, Мустақиллик эса бизга ҳақиқий Ватанни мадҳ этиш, улуғлашга имкон берди.

Йиғилганлар Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, шунингдек, шоира Ф. Бўтаеваларнинг Ватан, Мустақиллик, севги тўғрисидаги янги ижод намуналарини тинглашди. Ўзбекистон халқ артисти Ғ. Ёқубов ва боғнинг «Улуғбек юлдузлари» дастаси хонандалари ижросидаги шўх қўшиқ ва куйлар даврага ўзгача файз киритди.

Мустақиллик мушоиралари Шоирлар хиёбони, Бобур, Сергели, Фурқат боғларида ҳам бўлиб ўтади.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

## ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Қадрли дўстлар, жиноятчиликнинг ҳар қандай турларига қарши кураш Ватанимизнинг ҳар бир онгли фуқаросининг муқаддас бурчидир. Айниқса, содир этилаётган оғир жиноятлар, уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш, диний ақидапараст гуруҳларнинг олиб бораётган ишлари ҳаммамизнинг бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда. Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси қуйидаги «ИШОНЧ» телефонларини эътиборингизга ҳавола қилади:

133-64-97,
136-75-82,
56-74-76.

Ушбу рақамларни териб Сиз ҳар қандай қонунбузарлар ҳақида, шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларининг ножўя хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳам маълумот беришингиз мумкин.

Сиз томондан берилган ҳар бир маълумот чуқур ўрганилиб, кўрсатилган ҳолат бўйича тегишли чора-тадбирлар ўтказилади. Маълумот берган кишининг шахси сир сақланиши кафолатланилади. Бу борадаги ҳамкорлигимиз Ватанимизнинг равнақи йўлида муҳим омил бўлади деб умид билдирамиз.

*Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси.*



# ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

САҲИФА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

## ҲАР ЖАБҲАДА ЎРНИМИЗ БОР

**Фарида АБДУРАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

*Аёллар йили муносабати билан 1999 йил 18 февралда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида» қарори ҳамда унга асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг «Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида 1999 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги 1999 йил 1 март қарори қабул қилинди.*

Ана шу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари ўз фаолиятларини ҳокимликларнинг барча бошқармалари, бўлимлари, корхона ва ташкилотлар, турли муассасалар ва корпорациялар, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўзимизнинг асосий иш фаолиятимизни оилаларнинг маънавий баркамоллиги, ахлоқ ва тарбия, таълим ва саломатлик, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари учун қонунчилик, ҳуқуқий тарбия масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда ташкил этиб, иш режамизда белгиланган барча тадбирларни ҳам асосан оилаларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоясига қаратдик.

«Аёллар йили Дастури»ни амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 1 мартдаги 131-сонли қарорининг бажарилиши бўйича ишчи комиссиялари иш олиб бормоқда. Туманларда ҳам чора-тадбирлар дастурини тўлиқ бажариш мақсадида комиссиялар тузилган бўлиб, улар ўз вақтида йиғилишлар ўтказиб амалий тадбирлар белгилаганлар.

Тасдиқланган режа асосида барча тумандаги маҳаллаларда, мактаб, коллеж ва лицейларда «Аёл, оила, ҳуқуқ», «Ислом дини ва ахлоқ», «Бола тарбиясида оиланинг роли», «Аёллар ҳуқуқлари» каби мавзуларда 100 дан ортиқ илмий-амалий конференциялар, ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу тадбирларда иштирок этиш учун таниқли ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ-тартибот органларининг масъул ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари жалб этилганлиги ўз самарасини берди. Хотин-қизлар қўмиталари қошида жамоатчилик асосида ташкил этилган ҳуқуқий маслаҳатхоналар жойларда мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жамият ва оилада аёллар фаоллигини ва ролини ошириш мақсадида туман ва маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари учун 6 та ўқув семинарлари ташкил этилди.

13-15 май кунлари шаҳар «Оила» марказида Осиё маданияти ва тараққиёти ташкилоти билан ҳамкорликда «Фарзандлар тарбияси ва оила иқтисодиёти» мавзуида уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинарнинг иккинчи босқичи сентябрь ойида ўтказилади. Июнь ойида эса қўмитамиз томонидан республика «Маҳалла» жамғармаси ҳузуридаги «Маҳалла зиёси» малака ошириш ўқув-услубий маркази билан ҳамкорликда пойтахтдаги 445 та маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўқув семинари ташкил этилди. Машғулотларда «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия фаолиятининг асосий вазифалари тўғрисида маърузалар тингланди, мулоқот ва савол-жавоблар уюштирилди.

Ўзбекистондаги хорижий элчихона аёллари ташаббуси билан хорижда ўзбек миллий санъатини тарғиб этиш мақсадида қўмитамиз томонидан «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» жамоат ташкилоти билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги ролини оширишга катта ҳисса қўшган мусаввира аёл Салима Абдураззоқованинг «Қалбим гулдай беғубор» деб аталган кўргазмаси ташкил этилди. «Ўзбекистон хотин-қизлари ижоди» миллий фестивали ўтказилди. 30 дан кўпроқ корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва олийгоҳ, мактабларда миллий урф-одатларни шакллантириш ва қадриятларимизни тиклашга қаратилган турли анжуман, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни яхшилаш мақсадида котибият ва қўмитамиз томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда маҳаллаларда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдам ҳолатини ўрганиб, таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фуқароларга жойларда тегишли ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаш ва расмийлаштиришга кўмаклашиш, рўйхатларни тартибга солиш, ёрдам пулини ҳар бир муҳтож ва болали оилага етказишни назоратга олиш, тўловларни кечиктирмай амалга оширилишини таъминлаш кўзда тутилган. Барча тадбирлар «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Наврўз», «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари ва «Қизил Ярим Ой» жамияти билан ҳамкорликда ўтказилди. Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси томонидан биринчи ярим йилликда 1.288 та кам таъминланган, кўп болали, ногирон, ёши улуғ онахон ва аёлларга озиқ-овқат, кийим-кечак, совғалар ва — 1.337.371 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кам таъминланган, кўп болали, ногирон хотин-қизларни ижтимоий ҳимояси учун 2.583.376 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатди. Аёллар йилига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокими фармойиши билан «Меҳр-мурувват» лотереяси тиражи ташкил этилди. Ундан тушган маблағ шаҳардаги кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Аёллар ўртасида физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. 12 июнда ўтказилган «Тошкент опен» Халқаро теннис мусобақаларида 20 нафар раҳбар аёллар иштирок этдилар.

Барча туманларда «Уй бекаси», «Яхши пазанда», «Остонаси олтиндан», «Тўй либослари» ҳамда «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловлари ўтказилди.

Котибият ва қўмитамиз ўз фаолиятида сиёсий партиялар билан яқин ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор бермоқда. «Адолат», «ХДП», «Миллий тикланиш», «Ватан тараққиёти», «Фидокорлар» партияси вакиллари билан йиғилишлар ўтказилиб, қўшма тадбирлар белгиланди. Ушбу тадбирлар режасида аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокларини ташкил этиш, партиялар сафига кўпроқ хотин-қизларни жалб этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Барча туманларда «Аёл, давлат, жамият» мавзусида турли тадбир ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Ҳар бир туманларнинг маҳалла, мактаб, корхона ва ташкилотларида ақидапарастлик, ваҳобийлик ва бошқа салбий руҳдаги даъватчиларга қарши кураш чораларини кўришга, айниқса аёллар ва ёшларни ҳушёрликка, юртига, халқига муҳаббат билан қарашга даъват этувчи йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтди.

Мана бугун Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида бажарилган ишларни сарҳисоб этар эканмиз, аёлларимизнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни, мавқеи юксаклигига яна бир бор амин бўламиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча аёлларни, қалблари ойдек ёруғ, қуёшдай тафтли гўзал ҳамшаҳар хотин-қизларимизни Истиқлол айёми билан қутлайман ва мустақиллик берган буюк неъматни асрашда уларга ҳамиша куч-қувват тилайман. Оилада ва ишда тадбиркорлик, оқилалик, энг муҳими бахт ҳамроҳингиз бўлсин, азиз опа-сингиллар!

## МУСТАҚИЛЛИК – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

**1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?**

**2. Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, сиз яшаётган ҳудудда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватан истиқболи, фарзандлар келажагини қандай тасаввур этасиз?**

**3. Мустақиллик равнақи учун қандай ҳисса қўшаяпсиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур — бу сизни нималарга даъват этади?**

**«Тошкент оқшоми» анкета саволларига Ўзбекистон халқ артисти, «Баҳор» Давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари Маъмура ЭРГАШЕВА жавоб беради.**

1. Мустақиллик, яъни мен туғилиб ўсган, яйраб-яшнайдиган она юртимнинг ҳамма нарсаси — халқимнинг бутун бойлиги ўзиники бўлгани, «Ўзбекистон» деган жаннатмакон эркин мамлакат борлигини, унинг дунёга танилган фан, адабиёт, санъат намояндалари мавжудлигини жаҳон аҳли тан олаётганидир. Мустақиллик дегани ўз эртасини ўзи белгилайдиган, келажаги йўлида эркин ва озод фикрлай оладиган ва уни баралла айтишга қодирлик деганидир. Мустақиллик бу миллий санъатимизнинг гуллаб-яшнашини, халқимизнинг бахтиёрлигини, озодлигини, фаровон ҳаётимизни, эришаётган ютуқларимизни жаҳонга кўрсатиш демакдир.

2. Мен ўзимни, ҳаётимни санъатга бағишлаган инсонман. «Баҳор» ансамбли ва унинг ял-ял ёнаётган 30 нафар қизлари менинг мустаҳкам оилам. Шу сабабли ҳам рақкоса қизларимиз Рушана Султонова — Ўзбекистон халқ артисти, Лена Тўхтаева ҳамда Олима Ёқубовалар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонларини олиш бахтига сазовор бўлганларида ўзбек аёлининг мустақиллик давридаги бахтидан энтикдим, қувондим. Бобокалонларимиз ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорийларнинг юбилейларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганимдан қалбим фахрга тўлди. Бугун биз ўзбек рақс санъати билан халқимиз маънавий тарбиясига ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Мен яшаётган Миробод туманидаги Мусо Тошмуҳаммад номли маҳаллада ҳам одамларнинг бир-бирига меҳри, тотувлиги, оқибат кучайгандан, бу ишга ўзим ҳам ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Айниқса, саховатпеша тадбиркорларнинг ишлари мени шодлантиради. Ватаним истиқболи, порлоқлигига аминман, ёш фарзандларимизнинг келажаги эса у билан ҳамоҳанг. Ҳали XXI асрда Ўзбекистонни жаҳонга танитадиган жуда кўплаб алломалар етишиб чиқишига ҳам ишонаман.

3. Она-Ватанни севиш, унинг халқини эъзозлаш ҳар бир виждонли инсоннинг қалбида бор. Мен онамни, уйимни, меҳнат қилаётган жамоамни севаман, қўлимдан келганидан бошлаб ўзбегимни оламга танитишга интиламан. Ҳар бир мамлакатда кўрсатаётган концертларимиздаги олқишлар Ўзбекистонимга бўлаётганидан фахрдаман. Мана бу йил Аёллар йилида «Аёл қалби» деб номланган янги дастур тайёрладим. Санъатим, санъатдаги фидойилигим мустақиллик равнақига қўшган камтарона ҳиссамдир. Ватанпарварлик ва миллий ғурур мустақил диёрим мадҳини дунёнинг ҳамма бурчакларида таратиш мақсадини дилимга солади. Мен бунинг учун барча қийинчиликларни енгишга, интилиш ва изланишга ҳамиша тайёрман.

*1999 — Аёллар йили*



## ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси**



*Қариси бор уйнинг зари бор.*

## У БЕГОЙИМ ЗАМОНАМНИНГ ҲУРЛАРИ

*Юзлари ой, қора қоши камондир,*
*Кокиллари хушбўй, зулфи райҳондир.*
*Аёл асли бебаҳо бир жаҳондир,*
*Унинг қадри тушунганга аёндир.*

*Азиз она, севимли ёр, бека у,*
*Шижоатли, гоҳо нозик эрка у.*

*Усиз дунё маҳзун, хароб, адодир,*
*Гулшанларда булбул бағри бирёндир.*
*Ёрсиз ошиқ ҳоли мудом гирёндир.*
*Аёлсиз уй аросатда вайрондир.*

*Фаришта у, париваш у, малак у,*
*Эзгуликка йўғирилган юрак у.*

*Қоматидан сарви гуллар уялар,*
*У шодланса бутун жаҳон қувонар.*
*Ундан зурёд, меҳр, муҳаббат қолар,*
*Бир умрлик дунё - садоқат қолар.*

*У бегойим замонамнинг ҳурлари,*
*Омон бўлсин дилбар, гўзал гуллари.*

*Суҳбатлари ширин тотли,*
*маъноли.*

*Юраклари нурга тўлиқ наволи.*
*Нигоҳлари шўх-шан, оҳанграболи,*
*Мухтасардир ўзбегимнинг аёли.*

*Яшнаб турсин доим бахту иқболи,*
*Мўътабардир ўзбегимнинг аёли.*

Садоқат ФАЙЗИЕВА.

## ОҚИЛА, БИЛИМДОН БЎЛСА ГАР АЁЛ...



*Мамлакатимизда Истиқлол шабадаси эсаётганига 8 йил тўляпти. Ана шу буюк неъмат саналмиш Мустақиллик қўлга киритилганидан буён юртимизда ҳаётимиз нурафшонлари саналмиш Аёлларимизга эътибор ва эҳтиром янада чексиз бўлди. Айниқса, Инсон манфаатлари ҳамда Оила йилининг мантиқий давомига айланган Аёллар йилида хотин-қизларимизга барча соҳаларда яратилаётган имконият ва имтиёзлар, унинг оилада ва жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳтарама опа-сингилларимизни бениҳоя руҳлантираётгани, янги ютуқлар сари ундаётгани, шубҳасиз. Айниқса, мустақиллик шарофати билан ўзини ҳар жабҳада муваффақият билан синаб кўраётган ўзбек аёлини жаҳон танимоқда. Суҳбатдошимиз ана шундай аёлларимиздан бири-таниқли олима санъатшунослик фанлари номзоди, «Тасвир» газетаси бош муҳаррири Саодат ХЎЖАЕВАдир.*

**— Саодат опа, мустақиллик ўзбек аёлига нима берди?**

— Мақтаниш эмасу дунёда ўзбек аёлидай меҳри дарё, қалби кенг, меҳр-муҳаббатга тўла, фидойи, вафодор ва гўзаллар камдан-кам учрайди. Мустақилликнинг 8 йили мобайнида аёлларимиз янада ёшарди, гўзаллашди, маънавий дунёқараши бойиди ҳамда ўз ҳуқуқини теранроқ англаб, ҳимоялашга ўрганди. Тадбиркорлик соҳасида уларга кенг имкониятлар очилди. Тўғрисини айтганда, Тўмарис, Нодирабегим, Зебуннисо сингари буюк аждодларимизнинг ҳақиқий издошлари юзага чиқмоқда. Энг асосийси, аёлнинг дил тубидаги орзуси ушалди — фарзандлари эркин ва озод юртда ўз халқи, она-Ватани равнақига ҳисса қўшади. Барча хизматларинг мустақил юртининг равнақига қўшилишига нима етсин.

**— Ўзингизнинг иш фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Санъатшунослик институтида катта илмий ходим бўлиб ишладим. Чет эл киносанъатида рўй бераётган янгиликларни мухлисларга етказишга ҳаракат қилдим. Кино соҳасидаги ҳамкорликка ҳиссамни қўшдим. Айниқса, мустақиллик йилларида мен учун шундай кенг имкониятлар очилдики, энди хориж давлатларига марказнинг рухсати билан эмас, дўстларнинг таклифи билан бемалол бориб, у ердаги кино соҳасидаги янгиликлар, тажрибаларни кенгроқ ўрганишга муваффақ бўлдим.

1997 йил июнда эса ўз билим ва тажрибаларимни журналистика соҳасида синаб кўриш имконияти пайдо бўлди. Икки йилдан бери Андижон ёшлар телевидениесининг ахборот-билдирув нашри саналмиш «Тасвир» газетасига муҳаррирлик қилиб келмоқдаман. Шу қисқа давр ичида газетамиз нусхаси 5 мингдан 20 мингга чиқди. Фарғона водийсидаги муштарийларимизга маънавий озуқа беришда баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшиб келяпмиз.

Мустақиллик йилларида инсон, аёл, олима сифатида ўзимни эркин сеза бошладим. Иш юзасидан хорижий мамлакатларда бўладиган фестивалларда, конференцияларда мустақил юрт вакили сифатида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этиш ҳуқуқига эга бўлдим. Бу йил эса Бельгия ҳамда Россияда бўлиб ўтган кинофестивалларда иштирок этиб қайтдим.

**— Саодат опа, мен сизни замонавий ўзбек аёли деб биламан. Сиз ўзингиз замонавий ўзбек аёлини қандай таърифлаган бўлардингиз?**

— Ишда ҳам, оилада ҳам билимли, ақлли, теран фикрли, интилувчан аёлларни жамиятимиз фахри деб биламан. Замонавий аёл жамият ҳаётидан ортда қолмаслиги лозим, чунки у замонамизга ҳамнафас, юртимизга фидойи, ақл-идрокли, билимдон фарзандларни тарбиялайди. Қандай касбда ишламасин, ўз соҳасини мукаммал билса, албатта, тадбиркор бўлса, кўзлаган мақсади йўлида интилса, қалбида миллат ғурури, ифтихори жўш урса, уни мен замонавий аёл деб биламан. Оилада, жамиятда ўз ўрнини топган аёлга ҳавас қиламан. Яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, муомала маданияти эса замонавий аёл безаги, тил билиш унинг билимдонлиги, зукколиги.

**— Она сифатида фарзандларимиз келажагини қандай тасаввур этасиз?**

— Мен фарзандларимга, ҳозирги ёшларга ҳавас қиламан. Уларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Бундан 7-8 йил аввал хорижга бориб ўқиш тушдай бир гап эди. Мана бугун юзлаб йигит-қизларимиз чет элларда билим олишмоқда. Улардаги билимга чанқоқлик, интилиш мени қувонтиради. Уларнинг айтаётган гапларини, қилаётган ишларини кўриб, эшитиб қувонаман. Чунки мустақил юртимизни мана шулар жаҳонга кўз-кўз қилишига, улар келажагимизнинг порлоқ истиқболи бўлишига ишонаман. Айниқса, набираларимнинг бийрон тиллари билан ўзбекча, французча, инглизча сўзлашлари, уларнинг мурғак қалбида Ватан меҳри мужассамлиги она, аёл сифатида мени фахрлантиради.

**— Аёлларга тилакларингиз...**

— Аввало, ушбу йилни Аёллар йили деб эълон қилинганидан миннатдорміз. Аёлга эътибор — келажакка эътибор, унга эҳтиром эса юртга эҳтиром. Ўзбекистонимизни ўз меҳнатлари, фарзанд тарбияси билан нурафшон этаётган мунаввар чеҳрали ҳар бир аёлга йил қутлуғ келишини тилайман.

*Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.*

*Ўзбек аёллари — чет эллик хонимлар нигоҳида*

## КУЧ-ҚУВВАТ ЕТАРЛИ

**Хе СУК,**
**Осиё маданияти ва тараққиёти ташкилоти директорининг ўринбосари:**

— Мен Ўзбекистонда 4 йилдан буён яшаб, меҳнат қилиб келаяпман. Шу давр мобайнида амин бўлдимки, мустақиллик бу ўзбек халқи учун катта бахт, буюк неъмат бўлди. Чунки собиқ Иттифоқ даврида раҳбарнинг фикри одамлар онгига мажбурий равишда киритиларди, бугун эса мустақил юрт одамларининг фикр-мулоҳазалари албатта, инобатга олинмоқда.

Айниқса, ўзбек аёллари менда катта таассурот қолдиради. Улар гўзал, меҳнатсевар, ўз урф-одатларига садоқатли ва айниқса, фарзандлари камоли йўлида ниҳоятда интилувчан ва изланувчан. Улар ўз юрти учун Ватанига садоқатли, яхши инсонларни тарбиялашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга жамият ҳаётида ҳам фаол қатнашади. Аёлларнинг меҳмондўстлигига фақат ҳавас қилиш мумкин. Ўзбекистон билан Корея давлати ўртасида иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Мен истардимки, маънавият соҳасидаги алоқаларимиз ҳам кенг ривожланса, оилаларимиздаги энг яхши анъана ва урф-одатларимизни ўргансак.

Ўзбек аёлларида куч-қувват ва чидам етарли. Мустақиллик уларга кенг имкониятларни очиб берди. Ишонаманки, йиллар ўтиб келажаги порлоқ Ўзбекистон жаҳоннинг энг ривожланган, бой ўлкасига айланади. Бунда аёлларнинг, оналарнинг роли беқиёс бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб барча кореялик аёллар номидан ўзбек аёлларини қутлуғ байрам — Мустақилликнинг 8 йиллиги билан табриклайман ва уларнинг мана шу Истиқлолни ўз фарзандларидай ардоқлашлари, камол топтиришларига ишонаман.

## МАСЛАҲАТЛАР

*Аёл борки, ўз хонадонида гул ўстиришни ҳамда сақлашни хуш кўради. Чунки чиройли гуллар уйларни янада файзли қилиб, қалбга ажиб туйғуларни солади. Шу боис ҳам гул ишқибози бўлган аёллар қуйидаги маслаҳатларга амал қилсалар фойдадан холи бўлмайди:*

◆ Янчилган ва қанд упаси қўшилган тухум пўчоғи хонаки гуллар учун энг зарур озуқадир.

◆ Хона гулларини меъёридан ортиқча суғориш қурғоқчиликдан кўра хавфлидир. Шунинг учун уларга эҳтиёждан ортиқ сув қуймаганингиз маъқул.

◆ Сўлиган лолаларни қайта «тирилтирса» бўлади. Бунинг учун уларни ёниб турган лампочка тагига бир муддат қўйиб олишнинг ўзи кифоя қилади.

◆ Радиоприёмник устига қўйилган атиргул ёки чиннигул тезда сўлиб қолади. Чунки бу гуллар ҳатто сезилар-сезилмас овоз тўлқинларига ҳам таъсирчандир.

◆ Ғунчалар тезроқ очилиши учун гулдондаги сувга новшадил спирти аралаштириб солган маъқул.

## ЗЕБОЛИК СИРЛАРИ

Тирноқларни бўяш ҳам аёлларга ўзгача зеболик ва гўзаллик бахш этиши, шубҳасиз. Лекин кўпчилик аёлларимиз тирноқ локини узоқ сақлаш муддатини билишмайди. Бунинг оддий йўлини эътиборингизга ҳавола этамиз: тирноғингизни бўягач, шишачани беркитишдан олдин унга пуфласангиз, ичидаги лок узоқ вақтгача қуйилмай сақланади.

* * *

Юз парвариши сизни янада ёшартириб, гўзаллик бахш этиши бегумон. Бунинг учун буғ ваннасидан фойдаланиш лозим. У юзингизни тиниқлаштиради. Юз терисидаги тешиклар очилади, қон томирларининг фаолияти ортади. Бунда аввало, юзингизни қайнатилган сув, лосьон ёки салицил спирти билан яхшилаб тозалайсиз. Идишга 1-2 литр қайноқ сув қуйиб, 10 грамм қуритилган мойчечак сепасиз. Бошингизни сувга энгаштириб, пахмоқ сочиқ ёпилган ҳолда 5-7 дақиқа ўтирасиз. Сўнгра юзингизни қоғоз салфетка ёрдамида қуритасиз. Бироз вақт ўтгач юзингизни совуқ сув билан чайиб қуритасиз. Буғ ваннасидан сўнг юз терисини массаж қилиш ҳам фойдали. Бу муолажа ташқи кўринишингиздан ташқари соғлиғингизга ҳам ижобий таъсир этади.

Арафа

# ОБОД БЎЛАЁТГАН МИРОБОД

***Пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган, турли миллат вакилларидан 135 мингдан ортиқ аҳоли яшаётган, исми-жисмига монанд Миробод тумани чиндан ҳам Мустақиллик йилларида ҳар томонлама юксалиб, яшнаб ва яшариб бормоқда. Туманда ҳар бир жабҳада рўй бераётган ўзгаришлар, одамлар яшаш шароитининг фаровонлашуви, энг муҳими, меҳр-оқибат, ўзаро тотувлик, мамлакатимиз Истиқлолини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳисса бунинг яққол далилидир. Юртимиз Мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида туман ҳокими Бахтиёр МАҚСУДХЎЖАЕВ эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:***

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсонлар учун, аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилмоқда. Шу боисдан ҳам биз «Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун» деган шиорга қатъий амал қилган ҳолда иш юритмоқдамиз.

Ҳукуматимизнинг ҳар бир Фармон ва қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, одамлар ўртасидаги мавжуд муаммоларни ўз жойида тезкорлик билан ечиш учун тумандаги 40та маҳаллани 8та ҳудудий тузилмага бўлиб, ҳар бир ҳудудга туман ҳокими ўринбосарларини раҳбар этиб сайладик. Туманда тузилган ҳудудлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармаси орқали ҳар бир ҳудудга биттадан ходим ажратилди. Ҳар бир ҳудудга 5 тадан маҳалла кирган бўлиб, у ердаги барча маълумотлар алоҳида компьютерларга киритилган. Ушбу ҳудудий тузилманинг афзаллик томони шундаки барча муаммолар жойларнинг ўзида, ҳеч қандай оворагарчиликсиз ҳал этилмоқда. Чунки ҳудудий тузилма таркибида ҳокимият бўлим бошлиқлари, солиқ инспекцияси, санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, участка нозирлари, уй-жой ижара корхонаси, санитар милиция ва бошқа хизмат идоралари ходимлари жалб этилган. Қисқа давр ичида ҳудудий тузилма аъзолари ҳар бир хонадон билан нафақат танишди, балки алоқа боғлади, барча масалалар бўйича ижобий ўзгаришлар қилишга муваффақ бўлди. Биз амалга оширган «Маҳалла-ҳудуд-туман» тизими бугунги кунда ўзининг ҳар бир соҳада самарасини бермоқда.

Тумандаги ижобий ютуқлар ҳақида тўхталганда, биринчи навбатда иқтисодиёт ҳақида гапирмай иложимиз йўқ. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми 7 миллиард 717 миллион сўмликдан ортиқни ташкил этиб 3 миллиард 143 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Туманнинг етакчи корхоналаридан саналган «Ўзэлектроаппарат», «Ўзкимёфарм», «Кимёқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига чет элларда ҳам харидорлар ортмоқда. Ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулот ҳажмининг 34 фоизи экспортга чиқарилмоқда. Шунингдек, бу жамиятда 2 та қўшма корхона муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган «Ньюайлэнд», «Махараджа», «Техсако» қўшма корхоналарида импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳукуматимизнинг ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашларига жавобан тумандаги кичик ва хусусий корхоналар муваффақият билан фаолият кўрсатишмоқда. Айниқса, «Катрис» фирмаси, «Тураз» қўшма корхонаси, «Рута» ишлаб чиқариш фирмалари ва бошқалар туман иқтисодиётига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Сўнгги йилларда Мирободни чинакамига обод этиш борасида бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётганини ҳар қадамда учратиш мумкин. Айниқса, бугунги Госпиталь даҳасининг чиройи, у ерда қад ростлаётган муҳташам иморатлару замонавий турар-жой бинолари хусусида алоҳида тўхталмай илож йўқ. Мустақиллигимизнинг саккизинчи йилининг ўтган ойларида 280 хонадонга мўлжалланган 9 та уй бахтиёр оилаларга насиб этди. Шунингдек, файзли ва кўркам Нукус кўчасида Бердаҳ ҳайкали қад ростлади, Фарғона йўли кўчасида жаҳон андозалари даражасидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси, «Қўйлиқ ота», Ат-Термизий маҳаллаларида янги гузарлар қуриб битказилди ва аҳоли хизматига топширилди. Шунингдек, тумандаги 40та маҳалланинг участка нозирларига жой ажратилиб, қайта таъмирлаб берилди.

Тумандаги хўжалик ҳисобидаги уй-жой — коммунал корхоналари ҳамда «Янги Миробод», «Темирйўлчилар», «Тинчлик», «Ўзбекистон» маҳаллалари идоралари учун янги бинолар ажратилиб, замонавий усулда таъмирдан чиқарилди.

Ёшлар — келажагимиз, буюк истиқлолимизнинг эгалари, уни асрагувчи ва яшнатувчилари. Шу боис ҳам фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига масъуллик, уларни маънавияти юксак инсонлар қилиб вояга етказиш энг асосий вазифаларимиз сирасига киради. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошира бориб туманимиз ёшларига замонавий билим даргоҳларида ўқиш учун шароит яратмоқдамиз. Шу боис ҳам шу йилнинг 1 сентябрида 1200 ўринли политехника коллежи, 1100 ўринли қурилиш-педагогика коллежи ҳамда Темирйўл муҳандислари олийгоҳи қошидаги 375 ўринли академик лицей тўла таъмирдан чиқарилиб, ўз ўқувчиларини замонавий жиҳозланган ҳолда бағрига олади. Ишонамизки, туманимизда таълим-тарбия олаётган ҳар бир ёш йигит-қиз мустақил юртимиз равнақига муносиб улуш қўшади. Бунинг учун барча шароитлар, имкониятлар яратилмоқда.

Туман аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш борасида ҳам замон талаблари асосида иш олиб борилмоқда. 1999 йилнинг ўтган даврида туман Меҳнат биржасида 737 киши рўйхатга олиниб, 510 нафари ишга жойлаштирилди. 2 марта «Меҳнат растаси» ўтказилиб, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада туман меҳнат биржаси, «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамкорликда мунтазам ишламоқда. Шунингдек, «Камолот» жамғармаси туман бўлими байрам муносабати билан тумандаги кам таъминланган 50 нафар болага 80 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этдилар.

Жорий йилнинг ўтган ойларида 799та кам таъминланган оилаларга 12791,1 минг сўм миқдорида ёрдам пули, 16 ёшгача фарзандлари бўлган 1612 нафар оилага 12582,2минг сўм миқдорида нафақа тўланди. Кексалар ва ногиронларнинг кўнглини кўтаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Наврўз байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказган тадбирларимиз бунинг яққол мисолидир.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш — бу кишилар умрини узайтириш, соғлиғини мустаҳкамлаш демакдир. Шу боис ҳам туманда ҳар якшанба куни ўтказилаётган «Маҳалла спорт куни», «Югуриш куни» ўзининг ижобий натижасини бермоқда. «Аёллар спартакиадаси»ни ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Шу боис ҳам муборак Аёллар йилида туманимизда хотин-қизларнинг жамиятда, оилада тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилмоқда. Туманда қабул қилинган «Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида 1999 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарор ижроси жойларда муваффақият билан амалга оширилмоқда. Хотин-қизларга маънавий ва моддий ёрдам бериш доимий эътиборда. Туманда оналар ва болаларни соғломлаштириш мақсадида ҳудудий тиббий бирлашма томонидан 19230 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Туманимизда истиқомат қилаётган 4 нафар 100 ёшдан ошган онахонлар зиёрат қилиниб, алоҳида совғалар топширилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавиятини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, қизларни турмушга тайёрлаш борасида маҳаллаларда, олий ўқув юртлари, мактабларда ўтказилаётган тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари Аёллар йилидаги самарали ишлар сирасига киради.

Туманимиз аёлларининг жамиятдаги ўрни ортиб бораётганига шуни мисол қилиш мумкинки, бу йил маҳалла фуқаролари йиғини раисларининг сони аёллардан яна 4 нафарга ортиб, 8 кишини ташкил этди. Айниқса, тадбиркор аёлларимиз сафи кенгаймоқда. Жорий йилда туманда ўтказилган «Ташаббус — 98» кўрик-танловида фақат тадбиркор ва ҳунарманд аёллар иштирок этишди ва ғолибларга қимматбаҳо совғалар тортиқ этилди.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йилида сезиларли ютуқларга эришаётган мирободликлар Истиқлолимизнинг саккиз йиллигини ҳам кўтаринки кайфият, ўзгача шодиёналик билан қарши олмоқдалар. Чунки туманда Истиқлол нашидаси ҳар бир оилага кириб бормоқда, саноқли кунлардан сўнг нишонланадиган тантаналарда бу ўзининг аксини топади, деган умиддаман.

*Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.*

Анжуман

# МАТБУОТ — ТАДБИРКОРЛИК КЛУБИ

***Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси шаҳримизда фаолият кўрсатаётган матбуот нашрлари билан ҳамкорликда иш юритишни янада кучайтириш борасида «Матбуот — тадбиркорлик клуби» ташкил этди. Клуб аъзолари ҳар ойда бир маротаба йиғилиб, унда тадбиркорликни ривожлантиришга нималар тўсқинлик қилаяпти, қандай ишларни амалга оширса кичик ва ўрта бизнесни юқори поғонага кўтариш мумкин, тадбиркорнинг фаолиятида банкнинг роли ва масъулияти сингари долзарб муаммолар хусусида фикр юритишади.***

Клубнинг биринчи йиғилиши «Тадбиркорларнинг банкдан қачон қарз ола олиши мумкин» деган мавзуга бағишланди. Бунда Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва туман бўлимларида жойларда ишларни ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланишни, бошловчиларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш лозимлиги хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Жуда кўп тадбиркорларимиз иш бошлашни хоҳлайдилару, аммо қонун-қоидани, ҳуқуқ, иқтисод, солиқ масаласи, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги ўз масъулиятларини яхши тушуниб етишмайди, — дейди Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев. — Ваҳоланки, палатамиз қошида тадбиркорга кўмаклашувчи ҳамма соҳада бепул хизматлар ташкил этганмиз. Бироқ кўп ҳолларда тадбиркорлар ўзбошимчалик билан иш юритиб, охир-оқибатда банкротлик ҳолатига тушиб қолишмоқда. Уларга зарур тушунтиришларни беришда биз кўпроқ матбуот, радио ва телевидение хизматларига ёндошамиз. Чунки кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, ҳукуматимиз қонун ва қарорларини жойларда кенг омма ўртасига ёйишда чиндан ҳам матбуотнинг роли алоҳидадир. «Матбуот — тадбиркорлик клуби» («Пресс-клуб»)ни ташкил этишдан мақсадимиз ҳам тадбиркорлик соҳасидаги барча ишларимиз рўйи-рост айтилиб, ёзилиб борилса, деймиз. Яна бир томони тадбиркор ўзига керакли барча маълумот ва ахборотларни, иқтисодий янгиликларни матбуотдан олиб, у ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий билимга эга бўлсин.

*Гулзода АБДУЛЛАЕВА.*

***Одамзотга берилган ноёб хислатлардан бири — орзу-умиддир. Онгли мавжудотнинг мазкур сифати доимо унга қанот бағишлаган. Орзу-умид, келажакка ишонч, қувончли кунларни орзиқиб кутиш киши руҳини тетиклаштириб, яшашга иштиёқ уйғотади. Ушбу руҳий ҳолатнинг жуда кўп ижобий томони борки, меваси ширин, натижаси қувончлидир. «Ноумид шайтон», — деганларидек, умид билан яшашликда хислат катта, умидворликда сир-асрор мўл. Инсониятнинг аҳли донишлари ҳам ушбу хислатни маромига етказиб мадҳ қилганлар, дил розиларини изҳор этиб, ҳикматлар битган.***

«Инсон ҳаётида, — деб ёзса донишмандлардан бири, — энг кўп фойда берадиган нарса — умид»дир. «Бахтли кунларни кутиш, — деб қайд этган бошқаси, — ўша кунларнинг ўзидан анча яхшироқ бўлади» деб осмонга кўтарган.

Ҳикматлар мажмуаси — «АВЕСТО»да ҳам орзу-умид ҳақида ибратномалар битилган, қойил-қоларли даражада мадҳ этилган. Чунки, «Авесто»нинг асосий ғояси яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашдир. Яхшиликка етишишда орзу-умид ўтмишдошларимизга қанот бағишлаган. Эзгуликка олиб борадиган йўл ҳам яхши ният бўлган. Орзу-умид, ният аждодларимиз ҳаётининг мазмунини ташкил этган. Қора кучлардан қутулиш йўлларини излаб, эзгу-умид, яхши ният қилганлар. «Авесто»да мана бундай таъкидланган:

***Зотан бизлар хайрихоҳлар,***
***Садоқатли вафодорлар***
***Умид бирла, ишонч бирла***
***Ғанимларни даф этайлик.***
***Зотан бизлар хайрихоҳлар,***
***Садоқатли вафодорлар***
***Умид бирла, ишонч бирла***
***Ғолиб бўлайлик ёвлардан.***
***Зотан бизлар хайрихоҳлар,***
***Садоқатли вафодорлар***
***Умид бирла, ишонч бирла***
***Даф айлайлик ғанимлигин***
***Одамзот ва девларнинг,***
***Жодугар ва афсунгарларнинг***
***Қавийлик мустабидларнинг***
***Қорапонлик ёвузларнинг.***

Мозий

# «АВЕСТО» — ОРЗУ-УМИД ҲАҚИДА

Ўтмишдошларимизнинг орзу-умидлари турмуш тарзларидан келиб чиқиб, ёвуз кучлар уларнинг яшашига халақит беришган, тинчлигига раҳна солганлар. Шунинг учун **«Ғанимларни даф этишга», «Ғолиб бўлайлик ёвлардан», «Даф этайлик ғанимларни»** каби чақириқларида уларнинг орзу-умидлари акс этган. Балолардан халос бўлиш учун илоҳий кучлардан мадад сўраганлар, тоат-ибодатларида ўз ниятларига етказишни Тангридан илтижо қилганлар. Аждодларимиз ниятлари пок, орзулари улуғ, умидлари тоза бўлган. Уларнинг ниятлари тоат-ибодат билан қўшилиб кетган.

«Авесто»даги қуйидаги парчада аждодларимизнинг эзгу ниятлари, покиза илтижолари акс этган.

***Ва сўради Ардвисура — Анаҳитадан: (илоҳ)***
***«Бахт айлагил шундайин омад,***
***О қудратли, шафқатпеша Ардвисура,***
***Ким мен ҳоким бўлайин мутлақ***
***Барча кишвар — иқлимларга,***
***Барча девлар ва инсонлар,***
***Жодугарлар, афсунгарлар,***
***Қавийлик ва қорапонлик ҳукмдорлар***
***Устидан ҳам.***
***Ҳам асрайин ғаддор девлардан***
***Ашёларни, заҳираларни,***
***Ҳосилимиз, подамизни,***
***Омонлик ва иззатимизни».***

Илтижоларда мазмун тўла, мақсад аниқ. Одамзотни яратган Эгам, уларга «омад бахш айлаши» табиий, «ғаддор девлардан барча яхшиликларни асраши» мумкин. Умуман, илоҳий мажмуадаги барча жумлаларни ўз ўрни бор. Яна шуниси қизиқ-ки, ортиқчаликка дуч келмайсиз, жумлалар бир-бирини тўлдириб, маъно ва мазмунини ошириб бораверади. Баъзан одмигина кўринган жумлада, шундай катта маъно борки, беихтиёр ёқа ушлайсан. Мана эътибор беринг:

**«Чорвадор, — дейилган табаррук китобда, — яхши ният учун курашади, чорвадор бўлмаган киши бундай ниятдан йироқдир».**

Ҳа, чорвадор жониворларим кўпайсин, тўқ бўлсин, соғ бўлсин деб «ният» қилади ва бутун жаҳди билан, куч-қудрати, ғайрати билан курашади, ҳаракат қилади. Бутун ўй-фикри, ҳамма амали бир нарсага қаратилган — яъни «чорва»га, бунинг натижаси — қут-барака, тўкин-сочинлик, тўқлик, бойлик ва ҳакозолар. Кўраяпсизми, азизлар, бундан аждодларимизнинг ақлини чўнглигини, фаросатининг кучлилигини сезиб олиш мумкин. Дарҳақиқат, уларда қойил қоладиган жиҳатлар сероб, кишини лол қолдирадиган томонлари мўл-кўл.

«Авесто»нинг ҳар бир сатридан савоб билан гуноҳ, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги муросасиз курашни ҳис қиламиз. Аммо доимо яхшилик ғолиб келади, чунки унинг нияти, орзу-умиди эш бўлган. Мана бунга эътибор беринг. **«Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан, — дейилган «Авесто»да, — эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар айтишга, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан. Барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман».** Ҳа, мазкур ҳикматларнинг мағзи тўлиқ, маъноси баъманидир. Ана шу яхшиликларнинг тарафдорлари улуғ умид, пок ният, эзгу орзуда бўлган. Шунинг учун «Авесто»да умидворлик ниҳоятда баланд пардада куйланган, юқори баҳо берилган.

«Пок ният», «Эзгу орзу», «Улуғ умид»ларнинг меваси ширин, натижаси шарофатли, оқибати нурлидир.

«Авесто»да орзу-умид тоат-ибодат билан йўғрилган. Орзуларининг бошини Оллоҳга бахшида этганлар. Ниятларининг сараси ҳам Эгамга аталган. Бу ҳам бежиз эмас, чунки кундалик ҳаётларида Тангрининг неъматларидан жуда кўп баҳраманд бўлганлар.

***Сенинг номинг чорлайдирман,***
***Сиғинарман дуо билан,***
***Тоат бирлан, сидқ бирлан***
***Чорлайдирман сени, Митра (илоҳ).***
***Ихлос ила бор овозда***
***Чорлагувчи исминг билан,***
***Дуо бирлан сиғинурман.***
***Тоат бирла, дуо бирла***
***Сенга, эй алданим бўлмас,***
***Сенга, эй қудратли Митра.***
***Вожиб айла дуомизни,***
***Рози бўлгил биздан, Митра.***
***Тоат чоғи енгил қуйи,***
***Сидқ аҳлига ёвуқ келгил...***
***Шундай омад бергил бизга,***
***Забардаст Митра,***
***Умид — ишонч ва каломи-ла ўтинадирмиз.***

Аждодларимизнинг умиди ишончли, сидқидилдан бўлганлиги унинг таъсирчанлигини оширган. Тўла ишонч билан саждага бош қўйиб ниятларини изҳор қилганлар, аксарият ҳолларда орзулари ушалиб, ниятларига етганлар. Бу ҳолат ўтмишдошларимизга қаттиқ таъсир қилиб, эътиқодларини янаям мустаҳкамлаган. Тангрининг ҳидоятига мушарраф бўлганларнинг ишончи тағин ҳам кўпайган. Жонзотларнинг ичида яккаю-ягона ёлғиз қилиб яратилган одамзотга Оллоҳ шунчалик кўп неъматлар ато этганки, уларнинг саноғига етиш амримаҳол. Тангрим онгли мавжудотга яна бир илоҳий неъмат ато этганки — орзу-умидини насиб этишдир. Одамзот бир кеча-кундузда ўн минглаб нафас олиб, нафас чиқаради. Оламни яратганнинг ўзи эс-ҳушли эркасига, ана шу нафасларнинг бирини — «олтин нафас» қилиб, ана шу нафасдаги орзу-умидлари, ниятлари ушалган. У ёки бу ниятларимиз амалга ошса «Фаришта дуо қилган экан» деб қўямиз, бу ҳам бежиз эмас, балки бор ҳикматдир. Ушбу ҳолат яхши ният, эзгу орзу-умидларни қаноатлантирсин. «Авесто»нинг гувоҳлигича аждодларимизнинг ниятлари соф, орзу-умидлари пок бўлиб, уни илоҳийлаштирганлар. Орзулари ушалиб, ниятларига етиб қора кучлар устидан доимо ғолиб келганлар.

Ҳа азизлар, «Авесто»да сирли томонлар сероб, мўъжизалар қалашиб ётибди, фикримизни мунавварлаштириб, ақлимизни пешлаши турган гап. Инсоният ўзининг кўп жумбоқларига «Авесто»дан жавоб топиб, уни уч минг йилдирки авайлаб-асраб келмоқда. Истиқлолга чиққан ватандошлари учун йўлчи юлдуз бўлиб қолаверади.

*Мусоқул УСМОНОВ, профессор.*



Саховат

# АМЕРИКАЛИК ДЎХТИРНИНГ ҲИММАТИ

Биз байрамларга, ҳаётнинг қувончли, севинчли кунларига ҳамиша тайёргарлик кўриб яшаймиз. Қувонч онлари ҳам, унинг тараддуди ҳам бизга ҳар доим аввалдан маълум. Лекин ғам билан ташвиш... ўз ногаҳонийлиги билан, тўсатдан рўй бериши билан мудом ажралиб туради.

Тошкентлик Нажмиддиновлар хонадонида ҳам ҳамма нарса ўз маромида, тинчлик-хотиржамлик ила давом этарди. Шириндан шакар болалар Сардору Санжар, Комилаю Азизаларнинг қий-чуви, шодиёна қийқириқлари ила тўла ҳовлида ногаҳоний кутилмаган воқеа содир бўлди. Оғир, залворли эшик бор бўйи, оғирлиги билан олти яшар Сардорнинг устига ағанаб тушди. Боз устига эшикда турган калитнинг дастаси Сардорнинг чап кўзига қадалиб, оғир жароҳат етказди.

Тошкентлик дўхтирлар қўлларидан келганини қилишди. Оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган жароҳатнинг ривожланиш жараёнини тўхтатишга муваффақ бўлишди. Бироқ... Кўзни асл ҳолига қайтармоқ керак эди. Бу — ниҳоятда нозик жарроҳлик аралашувини талаб этадиган юмушни ҳатто Москвадаги машҳур Фёдоров клиникаси ҳам уддалашни ўз бўйнига олмади. Ота-она, таниш-билишлару қариндош-уруғлар дегандай мурожаат қилинмаган шаҳар, сўраб-суриштирилмаган касалхона қолмади. Вақт эса ўтиб борарди.

Ниҳоят... кўп изланишлардан сўнг интернет тармоғи орқали бундай касалхона Америка Қўшма Штатларидаги Калифорния штатининг Сан—Диего шаҳрида мавжудлиги аниқланди. Бу шифохона «Скриппо мемориал госпитал» дейиларкан.

Ўзбекистон билан яхши таниш бўлган, элимизнинг урф-одатлари, удумларидан яхши хабардор, шу юртни кезиб кўрган, нону тузини ичган, бу ердаги корхоналар билан ҳамкорлик ришталарини бойлаган, «Лайф вота» инсонпарварлик ташкилотининг ходими Одо Сиахайя жанобларининг беғараз ёрдами туфайли ёш ҳамшаҳримиз олис Сан—Диегодаги касалхонага ётқизилди. Шифохона президенти Том Гаген жаноблари, Сардорнинг кўзини бевосита операция қилган тажрибали дўхтир, хирург-офтальмолог Артур Перри жаноблари, яна бир кўз дўхтири жаноб Гордон Колберглар инсонпарварлик учун, хайру саховат йўлида катта маблағни талаб этадиган ушбу муолажа харажатларидан воз кечишди.

Сардорнинг кўзини уч кун операция қилишди. Катта дўхтир Артур Перри жаноблари бор билим ва тажрибасини аямади. Уч кундан сўнг Сардор яна бир ярим ой муолажада бўлди. Унинг кўзи ўз ҳолига қайтди. У соғ-омон, хуш кайфиятда она юрти Ўзбекистонга қайтиб келди. Отаси Садриддин Нажмиддинов, ўқитувчи бўлиб ишлайдиган онаси Шаҳлохон Нажмиддинова, тўрт яшар укаси Санжарбек, бува-бувижонлари, меҳрибон холаларию аммалари — ҳаммалари хурсанд.

Дунё яхши, саховатпеша инсонлар билан барқарор дейишади. Олис Калифорниядаги азиз инсонлар, айниқса Артур Перри жанобларининг номи ҳам, чеҳраси ҳам, эзгу иши ҳам энди бир умр Сардорнинг, ота-онасию қариндош-уруғларининг дилидан кетмайди.

Сардорбек бу йил мактабга боради. Биринчи синфга. Мустақил мамлакатнинг энг яхши, аъло ўқувчиларидан бўлиб дарс ўқийди. Унга савол берамиз:

— Катта бўлсанг қаерга борасан?

— Америкага-де. Америкага бораман-де, дўхтир Артур амакимга чопон билан дўппи кийгизаман.

*С. МУҲАММАДСАЙИД.*

*СУРАТДА: Сардор кўзи тузалгандан сўнг муҳтарам дўхтир Артур Перри жаноблари билан.*

# ҲОРМАНГ, ҚИЗЛАР

***Метро қизлари! Бу ибора тилга олиниши ҳамоно, ер ости қасри бекатларида йўловчилар хизматида бўлаётган очиқ чеҳрали, хушфеъл аёллар кўз олдимизга келади. Уларнинг аксарияти метрополитенда операторлик юмушларини бажараётган ходимлар ҳисобланади.***

Зеро, метро бекатларига кириб келаётган йўловчиларни самимият билан кутиб олиш, тўсиқлардан ўтишни назорат қилиш, йирик сўмларни майдалаш, эскалаторларда пастга тушиб ёхуд юқорига чиқаётганларга тушунтиришлар бериш — буларнинг ҳаммаси шу касб эгалари зиммасида. Либос формалари ўзларига ярашиб тушган операторларнинг беминнат хизмати туфайли метро бекатларида тартиб ва осойишталик ўз маромида сақланиб туради.

«Амир Темур» метро бекатида кўпдан бери операторлик қилиб келаётган Саида Маҳкамова ҳам кўпчилик йўловчиларга яхши танилиб қолди. У ўз иш жойида доим сергак туради. Йўловчиларга метрода юриш тўғрисида фойдали маслаҳатларини беради. Бу ерда йўловчилар ҳурматини қозонаётган Зулайҳо Исоқжонова, Ҳафиза Абдураҳмонова сингари операторлар ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб келишмоқда.

— Шаҳар йўловчи транспортида ҳозир турли касбда бўлган 19 минг ходим ишламоқда, — дейди Тошкент метрополитенининг етакчи мутахассиси Эркин Имомназаров. — Шулардан 5200 нафари аёллардир. Тошкент метросини айтадиган бўлсак, бу ер ости қасри меҳнат аҳлининг талайгинаси хотин-қизларни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги эса метро ҳаракати хизматини йўлга қўйиш жараёнлари билан шуғулланади.

Мисол учун «Мустақиллик майдони» метро бекатини олайлик. Бу бекатга деярли ўн йилдан бери ўз касбининг моҳир устаси Елена Кабакина бошчилик қилиб келмоқда. Унинг қўлида 46 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Фидойи операторлар ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан адо этиб, бутун бекат жамоаси ҳурматини қозонмоқдалар.

Бекат бўйича навбатчи бўлиб ишлаётган Вера Муратова, Доно Маҳаматова, Светлана Ҳалимбоеваларнинг номларини ҳам фахр билан тилга оласан, киши. Ўз бурчини аъло даражада уддалаётган бу ишчан ходимлар Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси томонидан яқинда бошқарувнинг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирландилар. Катта оператор Зулфия Мукина, бекат навбатчиси Севара Умарова ҳам меҳнатда пешқадам бўлишмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, «Мустақиллик майдони» бекати метрополитен бўйича ўтказилаётган мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Шу йилнинг ўзида бекатнинг бир неча ходими уюшма томонидан мукофот билан тақдирланди. Меҳнат ютуқларига эришишда шубҳасиз метро бекати қизларининг ҳам муносиб улушлари бор. Улар аёллар йилини ёруғ юз билан якунлаш ниятида фаоллик кўрсатиб ишламоқдалар.

*Акбар АЛИЕВ.*

Маҳалла

# СОҒЛОМ ФИКРЛИ КЎНГИЛЛИЛАР

Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласи илғор маҳаллалардан бири ҳисобланади. Чунки бу маҳаллада яшовчилар бир-бирлари билан иноқ, ҳамфикр, ҳамжиҳат яшайдилар. Шу маънода «Мевазор»да турли мавзуларда тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Шунингдек маҳаллада ёшларни қизиқишларига ҳам катта эътибор қаратилиб, турли спорт тўгараклари ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Яқинда «Маҳалла посбони» жамоа тузилмаси бу маҳаллада ҳам ташкил этилди. Улар маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, маҳалла осойишталигини таъминлаш билан бирга фуқароларнинг фаоллигини оширишда ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар.

*Очил ХАЗРАТОВ.*

*СУРАТДА: Чилонзор тумани, «Мевазор» маҳалласи оқсоқоли Шавкат Азизов маҳалладошлари билан мустақиллигимизнинг саккиз йиллик айёмини муносиб кутиб олиш ҳақида суҳбатлашишмоқда.*



